

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.В.38.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КИДИРБАЕВА АРЗЫГУЛЬ ЮЛДАШЕВНА**

**ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ШАРОИТИДА БЎРИЛАР  
(*CANIS LUPUS LINNAEUS*) ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 - Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Кидирбаева Арзыгуль Юлдашевна</b> Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар ( <i>Canis lupus</i> Linnaeus) экологияси.....	3
<b>Кидирбаева Арзыгуль Юлдашевна</b> Экология волков ( <i>Canis lupus</i> Linnaeus) в условиях Южного Приаралья.....	23
<b>Kidirbaeva Arzygul Yuldashevna</b> Ecology of wolves ( <i>Canis lupus</i> Linnaeus) in the conditions of the Southern Prearalie.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.В.38.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**КИДИРБАЕВА АРЗЫГУЛЬ ЮЛДАШЕВНА**

**ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ШАРОИТИДА БЎРИЛАР  
(*CANIS LUPUS LINNAEUS*) ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 - Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2. PhD/В89 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [microbio@akademy.uz](mailto:microbio@akademy.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Холбоев Фахриддин Рахмонкулович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: [microbio@akademy.uz](mailto:microbio@akademy.uz)

Диссертация билан Микробиология институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7-б уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Арипов Тахир Фатихович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Роҳила Назаровна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Раҳимова Тўра Узақовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда аҳоли сонининг ортиши ва кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши табиий ресурслар, жумладан, ҳайвонот дунёси ресурслари хилма-хиллигининг камайиши ва популяцияларининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, урбанизация фонида ов исканжасининг кучайиши йиртқич ҳайвонлар табиий биотопларининг қисқариши ва ареал структурасининг салбий ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда йиртқич ҳайвонларнинг биоценозда ролини асослаш ва улар табиий популяцияларини бошқариш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда маълум урбанлашган ҳудудлардаги йиртқич ҳайвонлар популяцияларини алоҳида тавсифлаш, уларнинг экологик структураси ва тарқалиш ареалларини баҳолаш ва ҳудудий гуруҳларининг экологик ўзига хос хусусиятлари асослашга тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқлим ўзгаришлари кучли ифодаланган ва антропоген босим юқори бўлган минтақаларда ареали заиф йиртқич ҳайвон популяцияларида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш ҳудудда «йиртқич-ўлжа» муносабатларининг экологик механизмларини тўғри изоҳлаш ҳамда амалиётда ундан оқилона фойдаланиш имкониятини беради. Жанубий Орол бўйи ҳудуди Марказий Осиёда нафақат ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигининг марказларидан бири, балки яна заиф ареал структурасига эга йиртқич сут эмизувчилар, жумладан бўриларнинг (*Canis lupus* Linnaeus) табиий популяцияларига бой калит ҳудудлардан бири ҳисобланади. Жанубий Оролбўйининг барча табиий зоналарида бўри популяцияларининг экологик структураси ва тарқалиш ареалини аниқлаш, ташқи омилларнинг таъсирида бўрилар сон динамикаси асослаш ҳамда тартибга солишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятни касб этади.

Республикамизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ресурсларидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди, ҳамда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, жумладан, Орол ҳудуди биохилма-хиллигини сақлаш, овладанган ёввойи ҳайвон ресурсларини муҳофазалаш ва уларни кўпайтириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида<sup>1</sup> «... глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи халокатининг салбий таъсирларини юмшатиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Жанубий Оролбўйи шароитида бўриларнинг яшаш ареалини аниқлаш, озикланиш экологиясининг ўзига хос хусусиятларини асослаш, популяциянинг ёш ва жинсий структураси очиб бериш ва шу асосда бўрилар популяциясини бошқариш ҳамда тартибга солиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳақида»ги ПҚ-2731-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли регионларда йиртқичларнинг экологияси, жумладан, бўриларнинг экологияси, популяцияси тузилиши ва уларга таъсир этувчи омиллар хорижлик олимлар Бибиқов Д.И. ва бошқалар (1985), Павлов М.П. (1990), Корытин С.А. (2008, 2009, 2010, 2011), Бондарев А.Я. (2002), Смирнов В.С., Матвеев А. (2001), Федосенко А.К. (1986), Мараков С.В., Козловский И.С. (1986), Бадридзе Я.К. (2004), Суворов А.П. (2004) ва бошқалар тадқиқотларида акс этган.

Республикада бўриларнинг экологияси, экотизимларда тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти бўйича тадқиқотлар Палваниязов М. (1974, 1990), Нуратдинов Т. (1969), Реймов Р. (2000, 2003) ишларида келтирилган. Бироқ юқоридаги маълумотлар Жанубий Оролбўйи шароитида бўрининг (*Canis lupus Linnaeus*) экологияси бўйича тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, Жанубий Оролбўйи шароитида бўри экологиясини асослаш, популяциясининг сонини ҳисобга олиш ва мониторинглаш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-ТО14 “Амударёнинг қуйи оқимларида сут эмизувчилар фаунасининг биохилма-хиллигига антропоген таъсирни экологик меъёрлаштириш методларини ишлаб чиқиш ва генофондини муҳофаза қилиш” (2009-2011), ФА-Ф1-ГОО4 “Гидрорежимнинг ўзгарувчанлиги ва иқлимнинг ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотасининг трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар ҳамда ЈЕҒ МФСА «Жанубий Оролбўйи ветландлари биохилма-хиллигининг мониторинги» (2015-2018) мавзусидаги халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Оролбўйи шароитида бўри экологиясини асослаш ва популяциясини тартибга солишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жанубий Оролбўйи шароитида бўриларнинг яшаш ареали ва тарқалишини аниқлаш;

озикланиш экологиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; популяциянинг ёш ва жинсий структураси, кўпайиш жараёни, социал-ташкилий тузилиши ва хулқ атворининг таҳлилини ўтказиш;

ташқи омиллар таъсирида бўриларнинг сон динамикасининг таҳлилини ўтказиш;

Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар популяциясини бошқариш ва тартибга солишнинг илмий асосланган назарий ва амалий тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг экологик ва хўжалик аҳамиятини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** оддий бўри – *Canis lupus* Linnaeus популяцияси, унинг экологик тавсифи, хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўриларнинг ареали, ҳудудий ва фазовий тарқалиши, озикланиш экологияси, хусусияти, популяциянинг ёш ва жинсий структураси, сон динамикаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда экологик харитага тушириш, сўроқ-саволнома, маршрутли ҳисобга олиш, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор Жанубий Орол бўйининг барча табиий зоналарида бўриларнинг экологик структураси ва тарқалиш ареали, ҳудудий гуруҳларнинг экологик ва этиологик ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

бўриларнинг бошқа сут эмизувчилар билан бўлган биоценотик алоқалари ва озикланиш спектри очиб берилган;

илк бор Жанубий Орол бўйи шароитида бўрилар популяциясининг ёш ва жинсий структураси комплексли турда баҳоланган ва ташқи омилларнинг таъсирида сон динамикаси асосланган;

турлар орасидаги экологик механизмни муҳим тартибга солувчи бўлиб ҳисобланадиган бўриларнинг экологик ва хўжаликдаги аҳамияти аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйи шароитида бўриларнинг экологик-хўжалик аҳамиятини ҳисобга олиб, жойларда «мўътадил тартибга солиш» ва кўп ҳолларда «муҳофаза қилиш» категориялари ишлаб чиқилган ва бўри популяциясининг сонини тартибга солиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўриларнинг доимий оилавий тўда майдончаларини ГАТ экологик хариталари тузилган ва бўрилар популяциясининг серпущтлик ҳолати, нобуд бўлиши, популяция структураси ва озука ресурсларини мониторинг қилиш фаолиятларига жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, натижаларга

статистик ишлов беришда хатоликлар, ўртача, ишончлилик интерваллар, стандарт оғишлар STATGRAF дастури орқали амалга оширилганлиги ҳамда Стьюдент ва Фишернинг Т- критерийси инобатга олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Жанубий Орол бўйи шароитида бўриларнинг экологик хусусияти ва уларнинг ҳудудий фазовий тарқалишини асосланганлиги, сон динамикаси ва популяциянинг ёш-жинсий структураси ис ботланганлиги ҳамда Орол бўйи экотизимларида бўриларнинг экологик аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жанубий Орол бўйи шароитида йиртқич сутэмизувчилар, жумладан, бўриларнинг маҳаллий майдонлари бўйича сонини ҳисобга олиш, улар популяциясини мониторинг қилиш ва сонини тартибга солишнинг дифференцияланган экологик-географик тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат кадастрини юритишга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Орол бўйи шароитида бўри популяциясини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўрилар популяцияси яшаш жойининг экологик харитаси Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлимида амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Овчилар ва балиқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлимининг 2017 йил 28 декабридаги 187-сон маълумотномаси). Натижада бўриларни овлаш тизимини тартибга солиш ва локал популяциялари сонини бошқариш имконини берган;

бўрилар тарқалган ҳудудлар ва уларнинг сонини ҳисоблаш услублари Қорақалпоғистон Республикаси «Кўнғирот» ва «Қозоқдарё» ўрмон-овчилик хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон хўжалигига қаршли Давлат қўриқхоналар, Миллий боғлар ва овчилик хўжаликлар Бошқармасининг 2018 йил 8 январдаги 01/06-12 сон маълумотномаси; Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Бошқармасининг 2018 йил 22 январдаги 18-сон маълумотномаси ). Натижада Жанубий Оролбўйи ҳудудида бўрилар сонини инвентаризациялаш ва давлат кадастрини ишлаб чиқиш имконини берган;

Жанубий Оролбўйи ҳудудида бўриларнинг муҳофазага муҳтож локал популяцияларининг экологик ҳолати таҳлил қилиниб ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2018 йил 26 январдаги 7-сон маълумотномаси). Натижада бўри популяцияларини сақлаб қолиш ва сон динамикасини прогноз қилиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 монография нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, яқун, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзу долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Йиртқич сут эмизувчилар экологияси масалалари ва бўрилар популяциясининг экологик хусусияти**» деб номланган биринчи бобида йиртқич сут эмизувчиларнинг экологиясини ўрганиш бўйича ҳар - хил халқаро миқёсда кенг турдаги адабий таҳлил амалга оширилган. Сўнгги даврда табиатдаги йиртқичлар ўрни ва аҳамияти ҳақидаги мунозаралар кескин тус олди, жорий ҳолатда йиртқич у ёки бу қирралари субъектив талқинда, аниқ далилга эга илмий материалларни жалб этмасдан таҳлил қилинган (Гептнер ва бошқалар, 1967, Макридин ва бошқалар, 1978, Бибиқов ва бошқалар, 1985, Черенков, Поярков, 2003 Палваниязов, 1974, 1990, Haber, 1996, Реймов, 2000, Цындыжапова, 2003, Михайлов, Мамонтов, 2004, Суворов 2004, 2011, Шквыря, 2011, Кочетков, 2013, Козловский, 2015).

Ҳозирги кунда асосан жанубий Оролбўйи минтақасида бўрилар экологик хусусиятига экотизим антропоген трансформацияси таъсири ҳақидаги масала тўлиқ тадқиқ қилинмаганлигига урғу берилган.

Популяцион экологияда йиртқичликни аниқ турда (хусусан бўриларда) ўрганиш жамоа ва экотизимларда популяция динамикаси омиллари ва фазовий - демографик механизми ва функционал муносабатини тушуниш учун зарур эканлиги белгиланган. Бу билимлар хайвонларни муҳофаза қилиш, популяцияларни бошқариш, йўқолиш хавфи мавжуд ва оз миқдордаги йиртқичлар популяцияси сонини қайта тиклаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишда ниҳоятда муҳим. Шунга боғлиқ равишда

бўрилар популяцияси экологик хусусиятини ўрганиш назарий таълимот замонавий илмий ва амалий масалаларини ечишда муҳим аҳамиятга эга.

**«Бўрилар популяциясининг экологиясини ўрганиш материаллари ва методлари»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот методлари ва методик услублари тақдим қилинган. Тадқиқот давомида ҳар хил ҳудудларда табиатдан фойдаланиш тартиби бўйича бир-биридан фарқланадиган андоза майдонлар танлаб олинган.


Тадқиқот мобайнида одат тусига кириб қолган методлар - маршрутли ҳисобга олиш, ҳудудий майдонларни сўровнома - саволнома ёрдамида харитага тушириш (Новиков 1953; Кузякин, 1979, Приклонский, 1980), изларни ўлчаш орқали индивидларни аниқлаш, кузатиш ва тажриба синтезида ўлжа қолдиқларини таҳлил қилиш, бўри инларини топиш ва текшириш методларидан фойдаланилган. Шунингдек, бобда Жанубий Оролбўйи физикавий-жўғрофий тавсифи келтирилган. ўрганилаётган Оролбўйи минтақаси ва унга чегарадош кенг ҳудудлар ўзига хос климатик, гидрологик, тупроқ-ботаник хусусиятларига эга умумий бир комплексни тақдим этади. Оролбўйи Қизилқум шимолий - ғарбий қисми, Заунгуз Карақумни (Сары камыш чуқурлигини қамраган ҳолда), Жанубий Устюртни, Амударё водийси ҳамда воҳасини ўз ичига қамраб олади.

Диссертациянинг **«Жанубий Орол бўйи шароитида бўрилар экологияси (*Canis lupus Linnaeus*)»** учинчи бобида бўрилар тизими ва тарқалиш ареали масалалари, озуқа рационни, кўпайиш жараёни ва ёш-жинсий структураси, ҳимояланиш шароити (ин ва бошпана), ҳулқ - атвори ўзига хос хусусиятлари, бўрилар популяцияси микдорий кўрсаткичи таҳлили муҳокама қилинган.

Зоологик номенклатура бўйича бўрилар йиртқичлар (*Carnivora*) тўдаси, итсимонлар оиласи (*Canidae*), бўрилар (*Canis*) уруғига мансуб. Д.И. Бибиқов ва бошқа мутахассислар (1985) бўйича *Canis lupus* тури таксономик структураси таърифи асосан, жанубий Оролбўйи ҳудудида чўл бўриси *Canis lupus Desertorum Bogdanov* яшаши аниқланди.

МДХ ҳудудида чўл бўриси Марказий Осиё ва Жанубий Қозоғистон паст текислигида кенг тарқалган. Унинг тарқалиши шимолий чегараси Эмба дарёси ўрта оқимиғача, Шимолий Оролбўйигача етиб боради. Улар Бетпак дала, шимолий ва жанубий Балхаш бўйи, Алакул ва Зайсан ҳавзасида кенг тарқалган (Палваниязов, 1974, 1990, 1992, Слудский, Федосенко, 1981).

Чўл бўрисини ўрганиш мобайнида унинг Жанубий Оролбўйи ҳудудида тарқалиш ареали тадқиқотда ойдинлаштирилди. Тарқалиш ареали шимолий чегараси Устюрт шимолий-ғарбий қисмини (Каракалпакия, Жаслык станциялари), Мўйнок (Учсай, Кызылжар, Караджар, Шеге, Казахдаря) ва Қўнғирот туманларини қамраб олади. Жанубий чегара Тўрткўл, Элликальба ва Беруний туманларини ўз ичига олади. Тарқалиш ареали марказий тумани Тахтакўпир, Чимбой, Қораўзак, Кегейли туманларини эгаллайди. Шуни айтиб ўтиш лозим, Чимбой, Қўнғирот, Мўйнок туманлари бўрилар томонидан кўп эгаллаган ҳудудлар бўлиб ҳисобланади (1-расм).



**1- расм. Қорақалпоғистон Республикасида бўриларнинг тарқалиш ареали ва зичлиги**


- Бўрилар популяциясининг тахминан зичлиги 1000 га да 0,05-0,06 особга тенг
- Бўрилар популяциясининг тахминан зичлиги 1000 га да 0,05– 0,06 особдан кўп
- Бўрилар популяциясининг тахминан зичлиги 1000 га да 0,05– 0,06 особдан кам
- Туркманистон ва Қозағистон хуудларидан келадиган дала ва чўл бўрилари

Чўл зонасида бўрилар асосан артезиан қудуқлар яқинида, қўл атрофида учраши аниқланган. Жанубий Оролбўйи ҳудудида бўри популяцияси тарқалиш ареали сув хавзалари жойлашуви ва оптимал озуқа базасига боғлиқ бўлади. Бўрилар эгаллаган ҳудудлар ўлчами озуқа шароити мавжудлигига боғлиқ ўзгариб туради (2- расм).

Озиқланиш, йирткич сут эмизувчилар тирикчилик фаолиятида муҳим экологик омиллардан бири ҳисобланади. Бўрилар рационига ёввойи туёқли ҳайвонлар билан бир қаторда уй ҳайвонлари кириши аниқланган. Бўрилар озуқа базаси таркибини сифатли таҳлил қилиш натижасида Устюрт платосида табиий озуқа 80% ни, шу жумладан, сайғоқ ва жайрон, баъзи жойларда ёввойи чўчқалардан иборат экани, келиб чиқиши антропоген бўлган озуқалар эса 20% ни ташкил этиши аниқланган. Тадқиқот ўтказилган минтақа марказий қисмида аксинча келиб чиқиши антропоген бўлган озуқа етакчилик қилади (3-расм).


Тадқиқот давомида уй ҳайвонлари бўрилар озуқа рационидида асосий ўринни эгаллайдиганлиги аниқланди, бунга сабаб табиий озуқа базасининг ёмонлашиши, жумладан кўпгина кўлларнинг қуриб қолиши ва Жанубий Орол буйи регионидида гидрологик режимнинг ўзгариши билан боғлиқ. Бу бўрилар тўдасининг катта концентрацияси озуқа рационидида анча-мунча барқарор бўлган, сақланиб қолган майда кўллар атрофида кузатилганлиги билан тасдиқланди.

Жорий кунда бўрилар репродуктив вазифаси тўлиқ ўрганилган, лекин Жанубий Оролбўйи шароитида муаммони ўрганиш янги маълумотларни тақозолайди. Аксар олимлар томонидан бўрилар кўпайиш жараёнини таърифлашга алоҳида эътибор қаратилган ва йиртқичлар популяцияси гомеостазини қўллаб-қувватлайдиган генератив механизми аниқланган (Данилов ва бошқалар, 1985, Бибиқов ва бошқалар, 1985).



2 -расм. Қорақалпоғистон Республикаси ху­дудида бўриларнинг учраиш тезлиги

(сўроқ-саволнома методи натижалари) ▲ – учрашган бўрилар



3- расм. Ҳар-хил табиий зоналарда бўрилар рационада келиб чиқиши табиий (■ 1) ва антропоген (■ 2) бўлган озукаларининг ўзаро нисбати (%)

Жорий популяция ёш-жинсий структурасини кўп йиллик назорат қилиш асосида Оролбўйи жанубида бўрилар ўртача серпуштлиги 5,9 боладан иборат эканлиги аниқланган. Туғиладиган бўри болалари сони ҳар йили ўзгариб туради. Бўри болалари ҳаёти биринчи йилида ўлим кўрсаткичи анча юқори бўлади. Туғилган 6-7 та бўри боласидан ўртача жинсий балоғат давригача (2 йил) - 1-2, камдан кам - 3 особга етиб боради. Ўлим сони катта фоизи ёш болаларга тўғри келади. Бизнинг тадқиқотларимиз бўйича эмбрионал ўлим сони ўртача 5% ташкил қилади.

Эҳтимол, бўрилар серпуштлиги кўпайиш давридаги озуқа таъминоти, урғочи бўри ёши, аҳоли зичлиги ва инсон томонидан интенсив қириб ташлашига боғлиқ бўлиши мумкин. 2009-2016 йиллар оралиғида бўрилар Аспантай-Шакаман модел тўдаси ёш ҳамда жинсий таркиби ўрганилди.

Бўрилар популяциясидаги эркак ва урғочи тоифа ( $\text{♂}:\text{♀}$ ) ўзаро нисбатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аввалдан эркак бўрилар (5:3) устун эканлиги белгиланган. Чўпонлар ва маҳаллий аҳоли томонидан интенсив браконьерлик натижасида бўрилар сони кескин қисқариб кетиши авлодда урғочи бўрилар улуши ортишига олиб келганлиги кузатилди (1:2,5). Популяциялар шу тариқа ўз йўқотишларини компенсация (ўрнини босиш) қилишга уринган, мавжуд вазият, асосан, 2011-2012 йиллар оралиғида кузатилган. Кейинчалик ўрганилаётган тўда таркиби 10 та индивид; 1 та катта ота бўри, 1 та катта она бўри, 3 та икки йиллик бўри болаларидан ва 1 та бир йиллик бўри боласи, 1 та балоғатга етган бўри, 1 та кекса бўридан таркиб топган (4 - расм). Шундай тур ва таркибдаги тўда, бўрилар ялпи тарқалиш ареалига хос бўлиб ҳисобланади.



**4-расм. Аспантай-Шакаман модель тўдасидаги бўриларнинг ёш ва жинсий структурасининг ўртача кўрсаткичи**

Бўрилар популяциясининг ёш ва жинсий таркиби туғилиш ва ўлимчилик сони параметрлари таъсирида юзага келади. Агар бўрилар популяциясининг сони ҳар йили барқарор бўлса, унда туғилиш сони йилдан йилга ўлимчилик сони билан баробар бўлади.

Ҳар бир ота - она жуфтлигидан умрининг охирида кўпайишда иштирок этадиган битта жуфт индивид қолади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда тўда таркиби индивидлар кўшилиши ва вояга етган индивидлар янги тўда ҳосил қилиб кетиши, шунунгдек, индивидлар ўлими туфайли ўзгариб турган.

Ёввойи ҳайвонлар нормал тирикчилиги ва кўпайиши, оила қуриши ва авлод тарбиялаши учун табиий бошпана зарур. Бўрилар оилавий жуфтлиги бошпана ва маҳаллий яшаш жойларини танлашда консерватив бўлади. Бўри ўзига ин қазийди, айрим пайтларда бўрсик, тулки уяларини эгаллайди. Бўрилар эгаллаган бир неча бўрсик инлари аниқланди, шунингдек, Междуречье (N 43<sup>0</sup>55.48.71., E 59<sup>0</sup>25.39.56) ва Жалтырбас (N 43<sup>0</sup>.52.087., E 59<sup>0</sup>.42.893.) кўлида қалин қамишзорларда, Қазахдаря ўрмон овчилик хўжалиги ҳудудидаги тиканли чангалзорлар, джида остида ва Судочье кўлининг (N43<sup>0</sup>.52.32.43, E58<sup>0</sup>.36.40.10) яқинидаги жарликда бўрилар ётадиган макон жойлари топилди. Ушбу йиртқич ин ва бошпаналари антропоген юк таъсирига ўзига хос тарзда мослашган ва Оролбўйи муҳити ўзгарувчан шароитида ҳар хил биотиплар бўйича тарқалиши аниқланди.

Тадқиқот давомида икки типдаги инлар биз томондан ажратилди: ҳимояланган жойларда жойлашган, ўтиш шаклига эга, ҳар хил ландшафт бўйича тарқалган шаклланган ва заиф шаклланган инлар (1-жадвал).

#### 1-жадвал


#### Ландшафт экспозицияга боғлиқ ҳолда бўри инларининг тақсимланиши

Бўри инларининг тузилиш типи	Текширилган ва ўрганилган инларнинг сони	Топилган жойи		
		Устюрт Платоси	Туқай ва қамишзорлар	Чўл-дала зонаси
Тўлиқ шаклланган ин	8	2	3	3
Ҳимояланган жойлардаги заиф шаклланган инлар	2	-	2	-

Бўрилар юқори даражадаги ижтимоий уюшганлик даражаси ва ҳуқ - атвори экологик мутаносиблиги билан чамбарчас боғлиқ, унинг Жанубий Оролбўйи экотизимида кечаётган сукцесион жараён ва антропоген таъсирга мослашувчанлигини таъминлайди. Ўрганилаётган бўрилар популяцияси белгили маҳаллий майдон ҳудудидан фойдаланадиган, тўдага бириккан индивидлардан, шунингдек, тўдага кирмайдиган ўз ҳаракатчанлиги билан ажралиб турадиган ёлғиз яшовчи бўрилардан иборат бўлади. Бўрилар маҳаллий майдонлари кўп йилгача барқарор бўлиб қолади, унинг ўлчами

аниқ ландшафт билан аниқланади ва ҳар-хил туманлар бўйича ўзгаради (5-расм).

Жанубий Оролбўйида битта тўда худудининг ўлчами 150 км<sup>2</sup> дан 1200 км<sup>2</sup> оралиғида ўзгариб туради. Бўриларнинг яшаш жойларининг ўлчамининг мавсумий ўзгариши озуқа билан таъминланишига боғлиқ бўлади, шу сабаб очик ландшафтларда, туёқли ҳайвонлар кенг турда миграция қиладиган жойларда қиш ойларида озуқа оз бўлиб қолади. Бундай ҳолда фойдаланадиган ҳудуд майдонларининг кескин кенгайиши кўзатилади. Мисол бўлиб Устюрт платоси ва Кизилқум чўлистони хизмат қилади. Бўри популяциялари барқарор яшайдиган туманлардаги ҳар бир тўда бир неча (5-6) кўшни худудлар билан ўраб олинади, яъни кенглигдан фойдаланиши катъий белгиланади.



**5- расм. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бўриларнинг асосий маҳаллий майдонлари (ойлавий- тўда)**




Бўриларнинг ойлавий- тўдаларининг модель майдонлари



Бўриларнинг ойлавий тўда майдонларининг чегаралари

Тадқиқот давомида бўриларнинг Аспантай - Шакаман ойлавий - тўда модель майдонларидаги барча суткали ва мавсумий ҳаракатланиш йўллари ўрганилди ва ушбу бўри ойлавий-тўдасининг маҳаллий майдони бир мунча чўзилган овал формага эга эканлиги ва бўриларнинг бошқа яшаш регионидаги классик маҳаллий майдонларига мос эканлиги аниқланди (6-расм).



**6 - расм Аспантай- Шақаман модель тўда майдонининг жойлашиш схемаси:**

А - Аспантай - Шақаман модель майдонидаги бўриларнинг ойлавий тўдаси жойлашган ҳудуднинг схемаси Б- Бўриларнинг ойлавий тўдаси жойлашган ҳудуднинг схемаси (Суворов буйича, 2009) 1— ин курадиган майдон, 2 –ёзги бола туғадиган (маҳаллий) майдон, 3 –овга чиқадиган ва овқатланадиган майдон, 4 –чегара зонаси, 5 – Бўри инлари, 6 –кўшимча инлар.

Бўриларнинг сон динамикаси масалаларини тадқиқ қилганда кўпчилик мутахассислар уларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир қилувчи ҳар-хил биотик ва абиотик омилларга алоҳида эътибор қаратишди.


Бўри популяцияси сон динамикаси озуқа объектлари (жайрон) борасидаги алоқаси бўйича ўтказилган таҳлил, жорий озуқа омили йиртқичлар зичлигига нисбатан чизиқли боғлиқлигини ( $R=0,39$ ) кўрсатади.

Сайғоқ (*Saiga tatarica*) Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар асосий табиий озуқа рационини бўлиб ҳисобланади. Мутахассислар эътироф этишларича, (Быкова, Есипов, 2009) бўрилар сони сайғоқлар сони билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтда сайғоқлар популяцияси Устюрт ҳудудида қисқариши натижасида бўрилар сони камайиб кетиши ва улар Оролбўйи марказий зонасига миграция қилиниши кузатилмоқда.


Бўри популяцияси миқдор динамикаси озуқа объектлари (сайғоқ) орасидаги алоқа бўйича ўтказилган таҳлил, омилнинг йиртқичлар зичлигига нисбатан чизиқли боғлиқ ( $R=0,71$ ) эканлигини кўрсатди. Шунини айтиб ўтиш зарурки, иккала қурбонлар тури чизиқли тренди пасайиш тенденциясига эга (7,8- расм).

Шу кунга қадар Жанубий Оролбўйи катта майдонларда бўрилар сонини ҳисобга олишни ташкил этиш мураккаблиги ва фойдаланадиган усуллар мукамал эмаслиги, улар сонини етарли даражада аниқ баҳолашни қийинлаштирди. Бундай ҳисобга олиш экспертлик ёки Г. Коли (1979) айтганидек, тахминий характерига эга бўлди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, айрим ҳолатда сон ҳақида бир қадар аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур, бошқа

ҳолатда балл билан баҳолаш етарли, учинчида популяция сони ҳақида умумий билиш билан, шунингдек, миқдор ўзгариб туриши жараёнини объектив турда ақс эттирувчи қандайдир нисбий кўрсаткичлар (индекслар) билан қифояланса бўлади.




7- расм. 2011-2016 йй. бўри популяцияси сон динамикасининг озуқа объектларига (джейран) боғлиқ бўлиши ( $R=0,39$ )



8- расм. 2011-2016 йй. бўри популяцияси сон динамикасининг озуқа объектларига (сайғоқ) боғлиқ бўлиши ( $R=0,71$ )

Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлими «Довудкўл», «Думалоқ», «Жанубий», «Кўк тош», «Кўк дарё», «Баймурат кўли», «Узун кайр» ва «Ақпеткей» овчилик худудларида бўрилар сонини ҳисобга олиш бўйича олинган хулосалар шуни кўрсатадики, 2000 ва 2010 йиллар оралиғида бўрилар миқдори барқарор тенденцияга эга бўлган. 2010 йилдан бошлаб бўрилар сони секин ўса бошлаган ва 2013 йил энг юксак чўққисига етган, бунинг боиси, яшаш жойидаги ҳимояловчи ва озуқа

шароити яхшиланиши, шунингдек, кўллардаги гидрологик режими ўзгариши (9- расм).



**9 - расм. Ўзбекистон овчилар ва балқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлимининг маълумотлари бўйича бўри популяциясининг сон динамикаси**

Шундай қилиб, Оролбўйи антропоген омиллар кучсиз таъсири шароитида бўри популяцияси сони хайвонлар серпуштлилиги вариацияланиши ва бўри болалари омон қолиши, популяция жинсий таркиби ва ёш структураси, яшаш жойи ўзгариши ва табиий сабабларга кўра нобуд бўлиши билан тартибга солиниши аниқланди.

Диссертациянинг «Жанубий Оролбўйида бўрилар популяцияси экологик моҳияти ва уларни бошқариш» деб номланган тўртинчи бобида бўриларнинг ўсимликхўр хайвонлар индивидуал ўлимига олиб келувчи асосий сабаб бўлиб хизмат қилиши ва уларнинг экологик ҳамда физиологик фаровонлигини қўллаб-қувватлашда катта рол ўйнаши кўрсатилган. Биоценотик позициядан бўриларнинг йиртқичлик ролини кўриб чиққанимизда қурбонлар популяцияси айрим турлари билан эмас, уларнинг нисбий гомоген экологик занжир пайдо қиладиган гуруҳлар билан бири-бирига таъсир кўрсатишини айтиб ўтишимиз зарур. Бўрилар экологик аҳамиятини ўрганганда, уларнинг минтақадаги бошқа йиртқичлар билан алоқасини кўриб чиқмасак бўлмайди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Бўриларнинг бошқа йиртқичлар билан бўлган биоценотик алоқаси**


Ўзаро алоқаси	Турлар		
	Чия бўрилар	Тулкилар	Қорсоқлар
Бўрилардан қолган озуқа қолдиқларини еб қуйиш	+	+	+
Бўрилар томонидан инлардан фойдаланиш		+	
Туғридан туғри агрессия	+	+	+
Рационда бўрилар билан умумий бўлган қурбон турларининг ва ўсимлик озуқаларининг бўлиши	+	+	+

Тадқиқотлар натижасида бўрилар «зарарлигини» ёки «фойдалилигини» баҳолаш ягона тартибда, муаммога бўлган комплекс ёндашувни муҳим бўлмаган омиллар орқали олиб борилганлиги аниқланган.

Жанубий Оролбўйи ҳудудида бўрилар экологик хусусиятларидан бири, уларнинг эконишони фойдаланишнинг ихтисослашуви бўлиб ҳисобланади. Бу шунни кўрсатадики, бўрилар сони кўпайиши ва камайишида биринчи озуқа объекти сифатида уй ҳайвонлари хизмат қилади. Сўровнома маълумотларини таҳлил қилиш натижалари ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бўрилар томонидан чорва молларига етказилган зарар миқдори аниқланди (10-расм). Таҳлил шунни кўрсатадики, асосий уй ҳайвонлари қурбони майда ва йирик қорамоллар бўлиб ҳисобланади.

Бўриларни бошқариш улар халқ хўжалиги ва ёввойи табиатдаги йиртқичлик роли мураккаблиги туфайли зидлик масала бўлиб қолмоқда.

Бўрилар экологик ва хўжалик аҳамияти шундан иборатки, улар ўзлари йиртқичлиги билан қурбонлар сонини оптимал даражада ушлаб туради ва муҳим даражада туёқли ҳайвонлар популяциясига таъсир кўрсатади, шунингдек, тартибга солувчи экологик механизм бўлиб хизмат қилади. Ҳозирга вақтда Ўзбекистон Республикаси бўри популяцияси сони қисқаруви ва тартибга солиниши биохилма-хилликни сақлаш долзарб масалалари бўлган мамлакатлар қаторига киради.



**10-расм. 2009 ва 2016 йиллар оралиғида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бўриларнинг чорвачиликка етказган зарар миқдорининг динамикаси**

Бўрилар популяциясини бошқариш ўзига хос ўзгачаликлари бор. Оилавий - тўда майдонларининг фазовий ҳудудий структурасини билиш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, улар эгаллаган маҳаллий майдонлари, ўртача серпуштлиги, ўлим сони ва популяция ёш структураси ҳақидаги маълумотга эга бўлиш зарур. Оилавий-тўда маҳаллий майдонлари чегарасини билиш улар сонини самарали ва тўғри ташкил қилишга имконият

беради. Жанубий Оролбўйидаги бўрилар ресурслари ҳолатини назорат қилиш ва инспекторлар, овчилар кучини координация қилиш учун, назорат органиларида бўриларни бошқариш бўйича овшунослар ва мерганлардан иборат бўлган махсус оператив хизматини ташкил этиш иқтисодий томондан ўзини ўзи оқлайди.

## ХУЛОСАЛАР

«Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар (*Canis lupus* Linnaeus) экологияси» мавзусидаги диссертация иши доирасида олинган натижалар асосида қўйдаги хулосалар олинди:

1. Бўри тўдаларининг фазовий-ҳудудий жойлашиши ўзининг ўлчами билан бир биридан ажралиб туради – энг катта майдонга эга тўда Устюрт платоси (800-1200 км<sup>2</sup>) ҳудуди учун ва энг кичиги эса Орол бўйининг марказий зонаси (150-220 км<sup>2</sup>) учун хослиги кузатилади.

2. Илк бор бўриларнинг келиб чиқиши антропоген бўлган озуқа ресурсларидан фаол фойдаланиши аниқланди: Устюрт платосида 20%, марказий зонада 56% ни ташкил қилади. Келиб чиқиши табиий бўлган озуқа эса Устюрт платосида 80% ни, маркази зонада 44% ни ташкил қилади.

3. Жанубий Оролбўйи шароитида иккита асосий типдаги бўри инлари мавжуд: ҳимояланган жойларда ўтиш формасига эга ҳар-хил ландшафт бўйича тақсимланган шаклланган ва заиф шаклланган инлар. Бўрилар ўз бошпонасини Устюрт платосида, туқай ва камишзорларда, Қизилқум чўлида эса шаклланган инларда қуради. Заиф шаклланган инлар асосан Қуйи Амударёдаги бўрилар популяциясига хос.

4. Жанубий Оролбўйи шароитида бўриларнинг куйиқиш даври унинг бошқа тарқалиш ареалларига нисбатан кечроқ бошланади – бу давр феврал ойининг бошида бошланади ва ушбу ойнинг иккинчи декадасида якунланади. Туғиладиган бўри болаларининг сони 2-10 тагача ўзгариб туради ва ўртача болалаш кўрсаткичи 5,9 га тенг. Урғочи бўриларнинг серпуштлиги, аввалом бор, кўпайиш даврида озуқа билан таъминланишига, шунингдек, урғочи бўрининг ёшига, аҳолининг ҳусусий зичлигига ва инсон томонидан интенсив қириб ташлашига боғлиқдир.

5. Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар модель популяцияларида уларнинг жинсий ўзоро нисбати (♂:♀) шуни аниқланди ва эркак бўриларнинг анча устун эканлиги (5:3) қайд қилинди. Чўпонлар ва маҳаллий аҳоли томонидан интенсив қириб ташланиши натижасида бўрилар сонининг қисқариб кетиши ва авлодда урғочи бўриларнинг улушининг ўсиши кўзатилади (1:2,5).

6. Бўрилар учун чизиқли равишда йиртқичларнинг зичлигига боғлиқ бўлган асосий озуқа объектлар сайғоқ ( $R=0,71$ ) ва джейран ( $R=0,39$ ) ҳисобланади. Бу бўриларнинг ушбу озиқа объектлари билан муносабати ижобий трендга эга эканлиги билан изоҳланади.

7. Бўрилар ўзининг йиртқичлиги билан қурбонларнинг сонини оптимал ҳолатда ушлаб туради, туёқли ҳайвонлар популяциясига маълум даражада таъсир кўрсатади ва муҳим тартибга солувчи экологик механизм бўлиб хизмат қилади. Бўриларнинг биоценоздаги бошқа йиртқич сут эмизувчилар билан ўзаро алоқаси уларнинг фазовий ва озуқа эконишасининг қисман тукнашувига олиб келади.

8. Жанубий Оролбўйи табиий зоналарида бўрилар популяциясини бошқариш учун дифференцияланган ёндошувнинг зарурлиги худудий гуруҳларнинг экологик хусусиятларига, шунунгдек ландшафтларнинг антропоген трансформациясига ва табиатдан фойдаланишнинг режимига боғлиқлиги кузатилади.

9. Жанубий Оролбўйи шароитида бўриларнинг экологик-ҳўжалик аҳамиятини ҳисобга олиб, жойларда «мўътадил тартибга солиш» ва «муҳофаза қилиш» бўйича ишлаб чиқилган категориялар бўрилар популяциясининг сонини тартибга солиш учун тавсия этилади.

10. Бўриларнинг доимий оилавий тўда майдончаларини ГАТ экологик хариталари Жанубий Оролбўйи шароитида бўрилар популяциясининг серпуштлик ҳолати, нобуд бўлиши, популяция структураси ва озуқа ресурсларини мониторинг қилиш фаолиятларига тавсия этилади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КИДИРБАЕВА АРЗЫГУЛЬ ЮЛДАШЕВНА**

**ЭКОЛОГИЯ ВОЛКОВ (*CANIS LUPUS LINNAEUS*) В УСЛОВИЯХ  
ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ**

03.00.10 - Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2017.2. PhD/B89.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([microbio@akademy.uz](mailto:microbio@akademy.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

**Официальные оппоненты:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
доктор биологических наук, профессор

**Холбоев Фахриддин Рахмонкулович**  
доктор биологических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.38.01 при Институте микробиологии АН РУз и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 76, конференц-зал Института микробиологии. Тел.:(+99871)241-92-28, (+99871)241-71-98, факс: (+99871)241-92-71, e-mail: info@microbio.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрировано под № \_\_\_\_\_). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 76, Административное здание Института микробиологии,5-й этаж, библиотека.Тел. (+99871) 241-92-28

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_\_\_» от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018).

**Арипов Тахир Фатихович**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор, Академик

**Жураева Рохила Назаровна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.б.н.

**Рахимова Турахон Узаковна**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Увеличение численности населения и освоение целинных земель привело к сокращению природных ресурсов, в том числе снижению разнообразия ресурсов животного мира и исчезновению популяций. Особенно на фоне урбанизации усиление прессинга охоты стало причиной сокращения природных биотопов и негативного изменения структуры ареала хищных животных. В этой связи определение роли хищных животных в биоценозе и управление их природными популяциями имеют важное научно-практическое значение. В мире на определенных урбанизированных территориях особое внимание уделяется исследованиям отдельных характеристик популяций хищных животных, оценке их экологической структуры и ареала распространения, обоснованию экологических особенностей их территориальных группировок.

В особенности в зонах, где сильно выражены антропогенное воздействие и климатические изменения выяснение происходящих изменений в популяциях хищных животных на узких ареалах дает возможность объяснить экологические механизмы взаимоотношения системы “хищник-жертва” и рационально использовать их на практике. Регион Южного Приаралья является не только одним из центров биоразнообразия животного мира в Центральной Азии, но и является одним из ключевых регионов богатых природными популяциями хищных млекопитающих с узкой структурой ареала, в том числе волка (*Canis lupus* Linnaeus). Определение ареала распространения и экологической структуры популяции волка во всех природных зонах Южного Приаралья, выяснение динамики численности волка под воздействием внешних факторов, а также разработка эффективных методов регулирования приобретает актуальное научно-практическое значение.

В настоящее время в республике особое внимание уделяется охране животного мира и рационального использования ресурсов. На основании проводимых программных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные результаты, в частности в области сохранения биоразнообразия Аральского региона, охрана ресурсов охотничьих видов диких животных и увеличения их численности. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> были определены задачи по «...глобальному потеплению и смягчению последствий Аральской трагедии». Исходя из этих задач, в частности, определение ареала местообитания волка в условиях Южного Приаралья, выявление особенностей экологии питания, раскрытие возрастной и половой структуры популяции и на этой основе разработка рекомендаций по управлению и регулированию популяцией волка приобретают важное научно-практическое значение.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» № ПФ-4947, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.» № ПП-2731, а также в других нормативно - правовых документах, принятых в данной сфере

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В различных регионах экология хищных, в том числе экология волка, структура популяции и влияющие на нее факторы, отражены в исследованиях зарубежных ученых Бибикова Д.И. и соавт. (1985), Павлова М.П. (1990), Корытина С.А. (2008, 2009, 2010, 2011), Бондарева А.Я. (2002), Смирнова В.С., Матвеева А. (2001), Федосенко А.К. (1986), Мараква С.В., Козловского И.С. (1986), Бадридзе Я.К. (2004), Суворова А.П. (2004) и других.

В Республике исследования по изучению экологии волков, их распространению в экосистемах и хозяйственное значение были приведены в трудах Палваниязова М. (1974, 1990), Нуратдинова Т. (1969), Реймова Р. (2000, 2003). Но приведенные вышеуказанные сведения не могут дать полной информации по экологии волка (*Canis lupus* Linnaeus) в условиях Южного Приаралья. Поэтому обоснование изучения экологии волка, проведения учета численности популяции и мониторинг в условиях Южного Приаралья имеют теоретическое и практическое значение.

